



Отнинг ўлими итнинг байрами.
Макол

Кампир тонг коронгисида хамир килгани туриб хўкизидан хабар олди. О!.. Хўкиз йўк, огил кўча томондан тешилган... Дехконнинг уйи куйса куйсин, хўкизи йўколмасин. Бир коп сомон, ўн-ўн бешта хода, бир арава камиш—уй, хўкиз топиш учун неча замонлар козонни сувга ташлаб кўйиш керак бўлади.

Одамлар дод овозига ўрганиб колган: бировни эри уради, бировнинг уйи хатга тушади... Аммо кампирнинг додига одам тез тўпланди. Кобил бобо яланг бош, яланг оёк, ятакчан огил эшиги ёнида туриб даг-даг титрайди, тиззалари букилиб-букилиб кетади; кўзлари жавдирайди, хаммага карайди, аммо хеч кимни кўрмайди. Хотинлар ўгрини каргайди, ит хуради, товуклар какаглайди. Кимдир шундай кичкина тешиқдан хўкиз сигишига акл ишонмаслиги тўгрисида кишиларга гап маъкуллайди.

Кобил бобонинг кўшниси - бурунсиз элликбоши кирди. У огилга кириб тешиқни, хўкиз боғланган устунни диккат билан кўздан кечирди; негадир устунни кимирлатиб хам кўрди, сўнгра Кобил бобони чакирди ва паст товуш билан деди:

– Хўкизинг хеч каёкка кетмайди, топилади!

Унинг огилга кириб килган тафтиши Кобил бобога бир умид багишлаган эди, бу сўзи хаддан зиёд севинтирди. Чол йиглаб юборди.

– Худо хайр берсин... Ола хўкиз эди...

Одамлар, ўгри деворни қачон ва қандай асбоб билан тешгани, хўкизни қайси томонга олиб кетгани, уни қайси бозорда сотиши мумкин эканлиги тўгрисида бахслаша-бахслаша таркалди. Говур босилди. Кобил бобонинг кампири йигидан тўхтаб, элликбошини дуо кила кетди.

Элликбоши ўгри тешган ерни яна бир кўрди. Кобил бобо кўл ковуштириб унинг кетидан юрар ва йиглар эди.

— Йиглама, йиглама дейман! Хўкизинг ок пошшо кўл остидан чиқиб кетмаган бўлса, топилади.

Элликбоши хўкизни жуда нақд килиб кўйди – гўё у кўчага чикса бас – хўкиз топилади. Бу "худо яллакагур" шунчалик килгандан кейин бир нима бериш лозим-да. Текинга мушук офтобга чикмайди. Бу одам элликбоши бўлиш учун озмунча пул сочганми? Мингбошининг бир ўзига етти юз бог беда, бир той бергани маълум. Пошшоликдан ойлик емаса! Кобил бобо хамёнини кокиштириб, борини элликбошига берди, яна қанча дуо кидди. Элликбоши бетўхтов аминга хабар қил-мокчи бўлиб чиқиб кетди.

Кечкурун Кобил бобо аминнинг олдига борадиган бўлди. Курук қошиқ огиз йиртади, аминга қанча пул олиб борса бўлади? Берганга битта хам кўп, олганга ўнта хам оз.

Чол-кампир кенгашиб шундай карорга келишди: бу чиким охирги ва хўкизни бўйнидан боглаб берадиган чиким, шунинг учун пулнинг юзига караш аклдан эмас.

Кобил бобо рўпара бўлганда амин огзини очмасдан каттик кекирди, кейин багбакасини осилтириб кулди.

— Ха, сигир, йўколдими?

— Йўк... сигир эмас, хўкиз, ола хўкиз эди.

— Хўкизми?.. Хўкиз экан-да! Химм... Ола хўкиз? Тавба!..

— Бори-йўгим шу битта хўкиз эди...

Амин чинчалогини иккинчи бўгинигача бурнига тикиб кулди.

— Йўколмасдан илгари бормиди? Кандака хўкиз эди?

— Ола хўкиз...

— Яхши хўкизмиди ё ёмон хўкизмиди?

— Кўш махали...

— Яхши хўкиз биров етакласа кета берадимми?

— Бисотимда ҳеч нарса йўк...

— Ўзи кайтиб келмасмикин?.. Биров олиб кетса кайтиб кела бер, деб кўйилмаган экан-да! Нега йигланади? А? Йигланмасин!

Кобил бобо ерга караб тек колди.

— Кидиртирсакмикин-а?—деди амин чинчалогини этигининг остига артиб, - суюнчиси нима бўлади? Суюнчидан чашна олиб келинмадимми?

Аминнинг бу гапи Кобил бобога "Ма, хўкизинг" деган-дай бўлиб кетди.

— Кам бўлманг,— деди пулни узатиб,— яна хизматингиздаман.

— Мен бетўхтов приставга хабар бераман. Ўзи чакиртиради. Бир хафта ўтди. Бу бир хафта ичида кампир "дуонинг зўри билан кулф очадиган" азайимхонга обдастагардон килдиргани катнаб ярим коп жийда, уч елпиш товок жўхори, икки калава ип элтди, аммо иш чикмади. Саккизинчи куни Кобил бобо яна аминнинг олдига борди. Аминнинг тепа сочи тикка бўдди:

— Ха, хўкизни уйларига элтиб берилсинми?! Ахир, борилсин, арз килинсин-да!

Фукаронинг арзга бориши арбобнинг иззати бўлади!

Кобил бобо ёр-дўстлари билан кенгашди — приставга пулдан бошка нима олиб борса бўлади? Маълум бўлдики, уни бегим дегунча кишининг бели синар экан.

Учта товук, гарчи бири курк бўлса ҳам, Кобил бобонинг ўзидан чикди. Юзта тухумни кўни-кўшни, ёр-биродарлар ўзаро йигиб берди. Аммо бу торттик билан тилмочдан нари ўтиб бўлмади. Тилмоч тортикни олди ва бетўхтов приставга яхшилаб тушунтиришни ваъда килди. Чолнинг бутун бўгинлари бўшашиб кетди, кейин тутокишди, аммо гўрда бир нарса дея оладими! "Ўйнашмагил арбоб билан - сени урар хар боб билан". "Яхшилаб тушунтирилган" пристав битта кулангир, битта фаранги товук, уч сўм пулни олганидан кейин, Кобил бобонинг бахтига, "бетўхтов хокимга хабар бераман" демасдан, "аминга бор", деб кўя колди. Амин "елликбошига борилсин", деди.

— Гумонингизни айтинг бўлмаса! — деди элликбоши тажанг бўлиб, - ким олганини мен билмасам, авлиё бўлмасам! Олган одам аллақачон сўйиб саранжомлади-да! Узок демасангиз, эринмасангиз кўнчиликка бориб териларни бир караб чикинг. Аммо териси кўнчиликка тушган бўлса, аллақачон чарм бўлди; худо билади, кавуш бўлиб бозорга чикдими...

— Энди бизга жуда кийин бўлди-да. Пешонам шўр бўлмаса... — деди чол ерга караб.

— Эй, ёш боламисиз! Нега йиглайсиз? Кап-катта одам... Битта хўкиз бўлса бир гап

бўлар, худо ажалга тўзим берсин! Мен кайнагамга айтайин, сизга битта хўкиз берсин.
Битта хўкиз одамнинг хуними?

Ертасига элликбоши Кобил бобони бошлаб кайнатаси— Эгамберди пахтафурушнинг олдига олиб борди. Пахтафуруш чолнинг холига кўп ачинди ва ерини хайдаб олгани битта эмас, иккита хўкиз берди, лекин "кичкинагина" шрти бор. Бу шарт кузда маълум бўлади...

1936